



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июль куни рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирларига оид тақдирот билан танишди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари изчил ривожлантирилиб, аҳолига қулайликлар кенгайтирилмоқда. Бугунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 253 хил хизматлар кўрсатилмоқда. Жорий йилда уларни яна 60 тага кўпайтириш, 50 дан ортиқ хизматларни соддалаштириш мўлжалланган.

Энг муҳими, бу ишлар сансалорлик, бюрократия ва коррупцияни камайтириб, вақт ва маблағларни тежаш, унумдорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланган эди. Ушбу стратегияга мувофиқ, 2020-2022 йилларда ҳудудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари амалга оширилмоқда. Жумладан, тармоқлар бўйича 443 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, бугунги кунгача 194 таси татбиқ этилди. Ҳудудларда дастурдаги 1 минг 643 та лойиҳадан 1 минг 172 таси жорий қилинди.

Мисол учун, “Ўзтрансгаз”да шартномаларни бошқариш бўйича ахборот тизими жорий этилгани натижасида харажатлар 30 миллиард сўмга қисқарган. Шунингдек, 360 турдаги давлат божларини Ягона электрон биллинг тизими орқали тўлаш йўлга қўйилгани ҳисобига 24 миллиард сўм маблағлар тежалган.

Умуман, жорий йилнинг биринчи ярмида рақамли иқтисодиёт соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 7 триллион 200 миллиард сўмни, компьютер дастурлаш хизматлари экспорти 17 миллион 500 минг долларни ташкил этган.

Лекин бу соҳада ривожланишдан ортда қолмаётган тармоқ ва ҳудудлар ҳам бор. Рақамлаштириш рейтинг 65 та ташкилот, 116 та туман

ва шаҳарда ишлар суғуст ташкил этилганини кўрсатмоқда.

Тақдиротда давлатимиз раҳбари лойиҳаларни жадаллаштириш, ҳудудларда электрон хизматлар қамровини кенгайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

— Охириги йилларда қилинган ишлар, албатта, ўз натижасини берди, хизматлар қулай ва одамларга яқин бўлди. Лекин рақамли технологиялар кун сайин ўзгариб, янги-янги имкониятлар очилмоқда. Шунинг учун ҳар бир вазирлик, давлат органи ва ҳудудларда янги дастурларни жорий этиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Рақамли иқтисодиёт хизматларини 16 триллион сўмга, компьютер дастурлари экспортини 40 миллион долларга етказиш мумкинлиги айтиб ўтилди. Мобиль илова орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини 100 тага етказиш, хусусан, коммунал соҳа, кадастр, солиқ, божхона, пенсия ва меҳнатга оид маълумотларни олишда қулайликларни ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга вазир портали, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари порталларини шакллантириш, улардаги маълумотларни мунтазам таҳлил қиладиган тизим яратиш бўйича топшириқ берилди.

“Алоқабанк” акциядорлик тижорат банкига мижозлар учун барча хизматларни мужассамлаштирган ягона платформа яратиш, ахборот технологиялари соҳасидаги стартап лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Давлат ва ҳўжалик органлари ходимларининг рақамли технологиялар бўйича саводхонлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби фазилатларни қарор топтиришдаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни **20 июль — сешанбага** тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил **20 июль** куни Қурбон ҳайити байрами этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-6122-сон Фармонида ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил **21-22 июль кунлари ҳам**

дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оила-ни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайитини **карантин талабларига амал қилган ҳолда** халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда оила даврасида ўтказиш афзаллиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Покистон элчиси Саид Асад Ғилоний: “Тошкент конференцияси Ўзбекистоннинг минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта муваффақияти ва ушбу жараёнга қўшган салмоқли ҳиссаси бўлади”

Жорий йил 15-16 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференция арафасида “Дунё” АА муҳбири Покистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Саид Асад Ғилоний билан яқинлашиб келаётган форумнинг икки минтақа ўртасидаги ўзаро боғлиқликни янада ривожлантиришдаги аҳамияти ҳамда Ўзбекистон — Покистон муносабатлари хусусида суҳбатлашди.



— Авваламбор, ушбу суҳбатни ташкил этганингиз учун сизга ва агентлигингизга миннатдорлик изҳор этаман, — деди покистонлик дипломат. — Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тарихи ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мамлакатларимиз умумий маданият ва маънавий қадриятларга эга. Бизни боғлаб турган муштаракликлар жуда кўп — биз бир гулнинг япроқларимиз.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ НАШР

“СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН ХОРАЗМШОҲ ПОКИСТОНДА”

китоби ўзбек, инглиз, урду
тилларида чоп этилди

Буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг юрт озодлиги йўлидаги бемисл матонати нафақат ўзбек халқи орасида, балки бутун дунёда озодлик учун кураш тимсолига айланган. Биз миллий қаҳрамон деб биладиган улуг аждодимиз ўз даврида ислом оламида мусулмон дунёсининг қалқони сифатида ҳам тан олинган.

Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллигига

КЕЛАЖАК ИБТИДОСИ

маънавият — Учинчи Ренессанс пойдевори

Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм гоёси бўлади. Мафкура деганда, энг аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаёти тушунча ва қадриятларига асосланган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фикр тарбияси

Мана салкам беш йилдирки, мамлакатимиз улкан ислохотлар ичида яшамоқда. Бу ислохотлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган, унинг натижаларини, самараларини биз ҳар куни, ҳар дақиқа ўз ҳаётимиз мисолида сезиб турибмиз.

Айни пайтда бу ўзгариш ва юксалишларни хоржиқликлар ҳам эътироф

этаётгани бор гап. Бу бежиз эмас. Сўнги беш йилда Ўзбекистонда ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда туб бурилиш юз берганига қўшни давлатлар, халқаро ҳамжамият гувоҳ.

Машойихлар “Одам ўзгармагунча, олам ўзгармайди” дейишади. Ўртимиздаги жамики ўзгаришлар бизнинг тафаккуримиз ўзгарганидан, ўзгаришга юз тутганидан дарак беради.



Тафаккур ўзгаришига, аввало, адабиёт, санъат, илм-фан туртки беради. Айни шу сабаб ҳам ислохотлар ибтидосида мамлакатимизда илм-фан,

адабиёт ва санъат, маънавиятга бўлган эътибор мужассам.

Давоми 6-бетда

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан сўнг Ўзбекистон Марказий Осиёда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт маконини яратиш мақсадида очик, фаол, прагматик ва конструктив ташқи сиёсат йўлини танлади. Расмий Тошкентнинг янгича ёндашувлари Марказий Осиё давлатлари томонидан тўла қўллаб-қувватланиб, минтақадаги ижобий ўзгаришларга асос бўлиб хизмат қилди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ТРАНСМИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИКНИ ЯРАТИШ СТРАТЕГИЯСИ

Минтақавий бирдамликдан минтақалараро интеграция сари

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар, бағрикенглик, аҳил қўшничилик сиёсати туфайли Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ижобий ўзгаришлар юз берди. Минтақа давлатлари раҳбарлари ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва тенглик тамойилларига асосланган тизимли сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. 2018 йилдан бошлаб Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш амалиёти жорий этилгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Яна бир муҳим жиҳат. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2019 йил ноябрдаги иккинчи Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Унда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболлари бўйича давлатлар раҳбарларининг мувофиқлашган ёндашув ва умумий қарашлар тизими ўз аксини топган.

2018 йил июнда БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик,

барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилинган ҳам юқори даражада консолидацияга эришилганидан ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий муаммоларни ҳал қилиш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр эканидан далолат беради.

Мана шу ижобий тенденциялар туфайли илгари минтақавий ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини тўлиқ рўйга чиқаришга тўсқинлик қилган қатор тизимли муаммолар бугунги кунда ўз ечимини топмоқда. Давлатлараро муносабатларнинг бундай мустаҳкамланиши Марказий Осиёни барқарор, очик ва жадал ривожланаётган минтақа, ишончли халқаро шерик, шунингдек, кенг ва жозибador бозор сифатида шаклланишига хизмат қилмоқда.

Жумладан, янги сиёсий муҳит савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланишига кучли туртки берди. Буни минтақа ичида савдо-сотиқ ўсиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Унинг ҳажми 2019 йил охирига келиб 5,2 миллиард долларга етди, бу эса 2016 йилга нисбатан 2,5 баробар кўп дегани.

Давоми 3-бетда

“

Миллатлараро тотувлик
мухити мамлакатимизда
амалга оширилаётган
инсонпарвар сиёсат ва
ўзбек халқига хос бўлган
баерикенелик, инсонпарварлик,
эзгулик фазилатларининг
уйунлашуви негизда намоён
бўлмоқда.

Шунингдек, йиғилишда мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган “Қадринг баланд бўлсин **она тилим**” республика танловига муножиаат қилган ташкилотлар, танловнинг бу йил қандай ташкил этилиши, атамаларнинг муқобилларини шакллантириш ва топонимик объектлар борасида олиб борилаётган ва режалаштирилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

